شرق یولدوزی

ШАРҚ ЮЛДУЗИ | ŞARK YÜLDÜZI

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ ОЙНОМАСИ

10-12
'1993

62-йил чиқиши

Бош муҳаррир:

Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
(Танқид ва адабиётшунослик бўлими мудири)

Тоҳир МАЛИК
(Масъул котиб)

Мурод МАНСУР
(Наср бўлими мудири)

Омон МУХТОРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Икром ОТАМУРОД
(Назм бўлими мудири)

Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФХОН
(Мерос ва қадрият бўлими мудири)

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ
(Мақоланавислик бўлими мудири)

МУАССИСЛАР: «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ҲАМДА ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ

www.ziyouz.com kutubxonasi



Умарали Норматов

УМИДБАХШ ТАМОЙИЛЛАР

Ҳозир биз тарихимизнинг мураккаб, зиддиятли, бир оз таҳликали, шу билан баробар ўта масъулиятли ҳамда умидбахш дамларини бошдан кечиряпмиз. Бир томондан, халқимизнинг асл фидойи ўғлонлари узоқ йиллар орзу қилган истиқлол амалга ошди. Ўзбекистон мустақил давлат, мамлакат сифатида жаҳонда тан олинди, салкам бир ярим аср давом этган империя, истибдод кишанлари парчаланди, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини, миллат онгини забт этиб, ўз йўриғига юритишга қатъий жазм этган ҳукмрон мафкура емирилди. Иккинчи томондан, мустабид тузум сиёсатининг, ҳоким мафкуранинг мудҳиш асоратлари ҳар қадамда бизга панд бермоқда. Ўзимизда ҳам, теварак атрофимизда ҳам ижтимоий-сиёсий танглик, маънавий инқироз давом этяпти; жумладан, китоб, журналлар чиқариш қийинлашиб, китобхонлик камайиб боряпти. Мустақил республикамиз раҳбарияти бу соҳадаги аҳволни тузатиш йўлида кўп хайрли тадбирларни кўраётган бўлса-да, чигалликлар ҳали тўла бартараф этилгани йўқ.

Шуниси қизиққи, худди мана шу мушкул, мураккаб, зиддиятли паллада маънавият, адабиёт дунёсида жиддий ўзгариш, янгиланишлар содир бўляпти, деярли ҳамма жанрларда яхши асарлар яратиляпти. Ўтган 1992 йилда биргина «Шарқ юлдузи» журналининг ўзида тўртта янги йирик насрий асар чоп этилди: Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Шукур Холмирзаевнинг «Олабўжи», Омон Мухторовнинг «Минг бир қиёфа», Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» романлари бугунги адабиётимизда қувончли ҳодиса бўлди. Агар буларнинг ёнига «Шарқ юлдузи» ва бошқа адабий газета ҳамда журналларимизда чиққан ўнлаб яхши ҳикоя, қиссалар қўшиладиган бўлса, бир йил ичида улкан маънавий хирмон қад кўтарганлигининг гувоҳи бўламиз. Иқтисодий, маънавий тангликнинг энг оғир зарбасига дучор бўлган қалам аҳли шу мушкул дамларда ҳам таҳликага тушмай, истиқлол қайғуси, янгича ўй-мушоҳадалар билан йўғрилган шундай яхши асарлар устида ишлаб, уларни элга етказишга журъат этаётганликлари — шунинг ўзи ҳам катта жасорат!

Бу асарларда, қолаверса, сўнгги йиллардаги адабий жараёнимизга хос энг муҳим хусусиятлардан бири шундаки, адабиётимиз чинакамига хилма-хил бўлиб боряпти. Кўпчиликка аён, аввалари ҳам адабиётимизнинг бойлиги, хилма-хиллиги ҳақида кўп гапирар эдик. Лекин бу хилма-хиллик, ранг-баранглик социалистик реализм, аниқроғи, ягона мафкура, марксча-ленинча қараш доирасида бўлиши лозим эди. Ранг-баранглик, хилма-хиллик дейилганда, асосан, шакл, услуб, нари борса, услубий оқимларнинг хилма-хиллиги тушунилар, социализм қолипига тушмайдиган қараш — талқинлар марксизмга зид тамойиллар сифатида қатъиян рад этилар эди. Ўзимизни қўя турайлик, собиқ Иттифоқда, унинг марказий нашрларида гоҳо кўриниб қолган диний талқин ёки Ғарбдаги номарксистик фалсафий оқимлар билан алоқадор адабий ҳодисалар қанчалар кескин танқидга учраганлигини, шафқатсизлик билан ман этилганлигини яхши биламиз. Узоққа бормайлик, 1986 йили «Новий мир» журналида Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» романи босилиши биланоқ, ҳали асар охиригача чиқмай туриб, ундаги диний майллар учун «Комсомольская правда»дан тортиб «Правда»гача кўплаб газеталарда ғазаб тўла дағдағалар қилинган, муаллифни мистикага бурилиш, «Оллоҳга сажда қилиш»да айблаган эдилар. Номарксистик маънавий-адабий ҳодисаларнинг барчаси ҳам реакцион эмаслиги, аксинча, жаҳондаги кўпгина тараққий этган маърифатли мамлакатларда диний йўналишда, шунингдек, фрейдизм, экзистенционализм сингари адабий мактабларда, постмодернизм, абсурд адабиётида жиддий бадиий кашфиётлар яратилгани ва яратилаётганлиги ақли расо кишиларга маълум эди. Фақат мустабид якка мафкура ҳукмрон бўлган бу жойда ҳақиқат тан олинмасди.

Энди аҳвол ўзгарди. Бизда ҳам фалсафий асоси жиҳатидан хилма-хил йўналишга мансуб асарлар пайдо бўла бошлади. Моддий дунё қонуниятларига, тарихийлик, ижтимоий таҳлил мезонларига қатъий амал қиладиган анъанавий реализм билан баробар деярли барча адабий тур, жанрларда диний, руҳоний-исломий талқин устивор асарлар кўпайиб бормоқда. Шахсни фақат ижтимоий муносабатлар маҳсули сифатида эмас, кўпроқ илоҳий, туғма-табиий, сирли-сеҳрли мавжудот тарзида кўрсатувчи, унинг ижтимоиёт, тарихий шароит — тузум, давлат, сиёсат, мафкурага бўйсунмайдиган ғаройиб туйғу, хислатларини, онг-идрокдан ташқаридаги англаб етилмаган ҳолатларини бадиий тадқиқ этувчи, экзистенционализм фалсафасига таянувчи асарлар ҳам яратилаётир ёки шу хил талқинлар кенгроқ илдиз отиб бораётир. Бу фоний дунёнинг омонат, таги пуч ғояларига алданган шахс умрининг, меҳнатининг бемаънилигини қабариқ тарзда, кўпинча рамзий-мажозий тимсоллар воситасида бутун кескинлиги, фожиаси билан кўрсатувчи абсурд асарлар, абсурд қаҳрамонлар ҳам кўпайиб қолди...

Шуниси қувонарлики, бу ҳол ҳозирги кунда ҳеч кимни таажжубга солаётгани йўқ. Ҳатто яқин-яқинларгача ўзларини совет адабиётининг посбони деб биладиган, «марксча-ленинча мафкуранинг, социализм адабиётининг софлиги учун» муросасиз кураш олиб борадиган жангари санъатшунос, адабиётшунослар ҳам бунга қонуний, табиий бир ҳол деб қарамоқдалар. Шунинг ўзи жуда катта

www.ziyouz.com kutubxonasi

гап. Бу чинакам маърифатли демократик жамият қарор топаётганлигининг аломатидир. Санъат, адабиётнинг эркин, табиий ривожи учун қулай шарт-шароит яратилаётганлигидан далолатдир. Буни ёмон кўзлардан Оллоҳнинг ўзи асрасин!

Бугунги адабиётимизда аниқ-равшан тамойилга айланиб қолган абсурд асарлар ёки абсурд адабиётига хос талқинлар жиддий қизиқиш уйғотмоқда. Бу ҳодисани айрим ҳамкасабаларимиз ғарб адабиётининг, Ф.Кафка, А.Камю сингари XX аср буюк ёзувчиларининг таъсири ёки уларга тақлид деб атамоқдалар. Бу гапда жон бор. Сўнгги йилларда ёш ижодкор авлод орасида ўша адиблар ижодига қизиқиш бениҳоя кучайди, абсурд адабиётининг айрим намуналари ўзбек тилига айни шу авлод вакиллари томонидан таржима ҳам қилинди. Гоҳо бир қарашда Кафка асарларига ўхшаб кетадиган асарлар ҳам яратилди. Чунончи, Назар Эшонқуловнинг «Муолажа» ҳикояси Кафканинг «Жазо колонияси» асарини эслатади. Шунга асосланиб, биздаги абсурд тамойилини фақат ғарб таъсирига боғлаш, уни нуқул тақлидчиликдан иборат деб қараш тўғри эмас. Миллий адабиётдаги ҳар бир жиддий ҳодисанинг сабабини ташқи омиллардан эмас, аввало, шу она заминнинг ўзидан, реал воқеликдан, замона эҳтиёжларидан изламоқ даркор. Абсурд адабиёти назариячиларининг фикрича, абсурд воқелик абсурд инсонни ва абсурд ижодни етиштиради, шунга кўра абсурд асари биринчи навбатда негатив характер касб этади. Абсурд адабиётининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, унда ақл-идрок, ўз бисоти, ҳаётини шафқатсизларча танқидий идрок этиш, тафтиш қилиш устивор, шунинг учун ҳам унда фожиавийлик кучли. Инсон зоти ўзининг ҳақиқий аҳволини идрок этмаса, ҳеч қанақа фожиа йўқ. Инсон ўз меҳнатининг маънисизлигини, аҳвол-ҳолати ва ҳаёти абсурддан иборат эканини англаб етган дақиқалардан кейингина чинакам фожиа бошланади. 80-йиллар охири, 90-йилларнинг бошларидаги вазият бизда абсурд адабиётининг, абсурд инсон образининг туғилиши учун замин тайёрлади. Етмиш йиллик ваъда, орзу-умидларнинг пучга чиқиши, жаҳонда энг адолатли, бахтли боқий тузум деб жар солинган тузумнинг истиқболсиз; энг илғор, бирдан-бир тўғри қараш саналган мвркснча-ленинча таълимотнинг яроқсиз бўлиб чиқиши кўпларни саросимага солиб қўйди. Бу ҳол ҳаётини, бор заковатини шу маънисиз таълимотга, йўлга тиккан, адашган, эндиликда ақлини таниб, мудроқ вужуди уйғонган одамлар учун мислсиз фожиа бўлди. Тўғри, аввалларн, чунончи, турғунлик йилларида ҳам совет даври ҳаётининг салбий жиҳатларини, адолатсизлик ва шафқатсизликларини кўрсатувчи, фош этувчи асарлар яратилган эди. Бироқ бутун бошли ижтимоий тузумнинг, шу тузум учун ҳаётини тиккан шахс фаолиятининг бемаънилигини изчил тарзда таг-туги билан очиб берувчи асарларнинг пайдо бўлиши учун мана энди шароит етилди. Ҳатто ижодий йўналиши моҳият-эътибори билан ҳаётбахш тасдиқловчи рухда бўлган ёзувчи, шоирлар бисотида ҳам абсурдни эслатувчи асарлар кўрина бошлади. Абдулла Ориповнинг «Фожиа», Эркин Воҳидовнинг «Ватан умиди» шеърлари шулар жумласидан. Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор», Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Шукур Холмирзаевнинг «Олабўжи», Омон Мухторовнинг «Минг бир қиёфа» романларида персонажлар умри, фаолиятининг, улар амал қилган ақидаларнинг, яшаган муҳитнинг бемаънилигига алоҳида урғу берилган. Бу тамойиллар, айниқса, Назар Эшонқул ижодида яққол намоён бўлмоқда. Муаллифнинг «Маймун етаклаган одам» ва «Муолажа» асарларидан тортиб «Бевақт чалинган бонг», «Истило», «Тобут» ҳикояларигача — барчаси ифода ва талқин йўсини жиҳатидан ўзбек адабиётида янги ҳодиса бўлди.

Боя айтилганидек, аввалларн ҳам асрдош, замондош кишиларнинг фожеий қисматидан ҳикоя қилувчи асарлар яратилган. Бироқ уларда кўпроқ фожиалар илдизи, моҳияти ўзгача талқин этилган. Бу тур асарларда қаҳрамонлар ё адашган, ҳаётнинг катта йўлидан четга чиққан, ахлоқ нормаларимиздан чекинган худбин кимсалар («Сароб», «Жаннат қидирганлар», «Одам бўлиш қийин», «Баҳор қайтмайди» каби) ёки адолат, эзгулик, юксак идеаллар йўлида жиддий ғовларга, қаршиликларга дуч келган, «социализм принципларидан чекиниш» туфайли қурбон бўлган сиймолар («Олтин зангламас», «Чинор», «Диёнат», «Гирдоб», «Нур борки соя бор», «Оққушлар, оппоқ қушлар» каби). Биз абсурд адабиётига мансуб этаётган асарларда, чунончи, Назар Эшонқул ҳикояларида бутунлай ўзгача ҳолга дуч келамиз. Бу ҳикоялар қаҳрамонларини шунчаки йўлдан озган, «ахлоқ нормаларимиздан чекинган» ёки «улуғ мақсадлар йўлида» жиддий тўсиқларга дуч келган одамлар деб бўлмайди. «Маймун етаклаган одам» қаҳрамони ўз умрини, ҳаётини, бор заковатини асримизнинг «улуғ ишлари»га тиккан, бу борада ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам аямаган, қолаверса, жамият ҳам уни сийлаган, пенсияга чиққунга қадар турли лавозимларда ишлаган. Уни фақат илоҳий қисмат жазолаган. Хотини ўлиб, фарзандлари нобоп чиқиб, қариганида танҳо, қаровсиз, аянчли аҳволга тушиб қолган. У иш, прицип деб қариндош-уруғларидан жудо бўлган, унда дўст-биродарлар ҳам йўқ. Энг ёмони, унинг қалбида қариган чоғида, бу фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилиш яқинлашган дамларда руҳан диллашадиган, овунадиган илоҳий эътиқод йўқ. Бу одам умр бўйи таянадиган мафкура уни мана шу илоҳий неъматдан, кўнгил хазинасидан маҳрум қилган. Бу асрда қанчадан-қанча одамлар шу ҳолда алдовларга учиб, имон-эътиқодсиз бу дунёдан ўтиб кетди! Ҳикоя қаҳрамони ҳаётини тиккан тузум, жамият, мафкура шитоб билан емирилиб бормоқда, унга қўшилиб бу кимса бисоти ҳам емирилмоқда. Дунёни ларзага солган инқилобий ўзгаришлар, миллионлаб одамларни, кўплаб мамлакатларни чалғитган, адаштирган, ҳалокат чоҳига тортган қудратли тузум ва мафкура ўткинчи, куни битганда ўз-ўзидан тўкилиб, ном-нишонсиз йўқолиб кетади. Аммо инсон зотига ато этилган инсоф, виждон, ақл-заковат боқий. Ташқи ва ички тазйиқлар, шайтон васвасаси ҳар қанча йўлдан оздирмасин, барибир, эртадир-кечдир — бу мўътабар хислатлар инсон танида (агар у инсон деган зотга мансуб бўлса) яна қайта тирилади, уни ўзлигига қайтаради. «Маймун етаклаган одам» қаҳрамонининг қисман омади бор экан, гарчи кечикиб бўлса-да, у ўзлигини англаб етгандай бўлади. Пировардида, у ўзининг маънисиз ўтган умр йўлини мардона, шафқатсизларча тафтиш этиб, сўнгги чизган сурати орқали авлодлар учун аччиқ сабоқ тарзида муҳрлаб қолдиришга эришди.

Ёзувчининг «Истило», «Тобут» ҳикояларида асли бемаъни ғоялар — адолатсизлик, шафқатсизлик, зўравонлик асосига қурилган, инсон ҳаёти ва қалбини забт этиб, ундаги табиий, боқий қадриятларни маҳв этишга қаратилган, оқибат-натижада эса ҳалокатга маҳкум тоталитар тузум ва якқаҳоким мафкуранинг даҳшатли мажозий манзаралари чизилади. «Истило»ни ўқиганда, ундаги мудҳиш манзаралардан вужуд-вужудингиз увишиб кетади. Ёвуз куч шаҳарга таҳдид солмоқда — ҳаммаёқ таъқиб, таҳлика исканжасида; одамлар чорасиз, ожиз махлуққа айланиб қолган; шаҳар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳикоя қаҳрамони учун аллақачон бегона бир макон ва чиройли қилиб қурилган қатл майдони; шаҳар бегоналашган сари у ҳам ўзига бегоналашиб боради, ўзлигини бутунлай йўқотади. Таъқиб этувчи ёвуз куч тирик зотлар қолиб, қабрлардаги одам суякларини итларга ғажитади, арвоҳлар руҳини чирқиллатади. Одамлар кўнглида эзгулик, ишонч туйғуси тугаб-битган, ҳамма нарса омонат, бу дунё гўё йўқлик ва саробдан иборат; ундаги жамики нарсалар айқаш-уйқаш, ост-уст бўлиб ётибди... Қисқаси, ҳикояни ўқиётганда Пикассонинг машҳур «Гарника»сини томоша қилаётгандаги ҳолатга тушасиз.

«Тобут»даги манзара бундан ҳам даҳшатлироқ. Шаҳарга ўлат, бадбўй ҳид-уфунат тарқаган. Ҳамма ёқда ўлим шарпаси кезиб юрибди, соппа-соғ юрган одамлар бирин-кетин жон таслим этмоқда. Бошда бунинг сири-сабабини билмай, барча ҳайрон, мана мен деган олиму шифокорлар бу синоат тагига етолмай ғаранг. Бу ҳолдан шаҳар меъмори даҳшатга тушиб, телба бўлиб қолган. Бошда у бу шаҳарни не-не умидлар билан бунёд этишга киришган, «дунёга энг улкан ва одамзод ҳали хаёлига келтирмаган шаҳар қурамиз» деб жар солган. Ростдан ҳам ақл бовар қилмас шаҳар қурилди. Мана, энди ўша номдор шаҳар уфунат, ўлат масканига айланган, шаҳар бош меъмори эса ўзи қилиб қўйган иши, гуноҳи учун руҳий азоб-изтиробда телба ҳолга тушиб қолган. У ўзи бунёд этган шаҳарни ўз қўли билан барбод этмоқ, шаҳарга ўт қўймоқ пайига тушади. Охирида у юрагини очади, шаҳар ҳам, ўзи ҳам истибдод, ёвуз зўравон куч қурбони эканини аён этади, ҳамшаҳарларига қарата ваҳшат ичида: «Ҳаммаларинг унинг чангалидасизлар, шаҳар ҳам униқи... У менга айтиб турди, мен қуриб бердим», дейди. Ниҳоят, меъмор ўлимидан сўнг шаҳар тарҳи топилади. Маълум бўладики, бутун шаҳар тобут шаклида қурилган экан. Шу тариқа ҳикоядаги даҳшатли мажозий ифода асли тарҳи нобоп, ҳалокатга маҳкум жамиятнинг тимсоли даражасига кўтарилади.

Яна бир муҳим жиҳат, Назар Эшонқулнинг бу тур ҳикояларида қаҳрамонларнинг номи йўқ — улар фақат «у» ёки ҳаётдаги амали, касб-ҳунари номи билан «Котиб», «Қоровул», «Меъмор» деб юритилади. Инсоннинг ички ва ташқи қиёфасини чизишда анчагина тажриба орттирган муаллиф бу хил персонажлар тасвирига келганда, бу борада бир қарашда ҳафсаласизлик қилгандай таассурот қолдиради. Аслида эса шу хил «ҳафсаласизлик»да муайян мақсад бор: ҳикоя персонажлари бемаъни, шафқатсиз ҳаёт тазйиқи остида шу ҳаётдан бегоналашган, шахсини, инсоний қиёфасини йўқотган ёки йўқотаёзган кимсалардир.

Кўриниб турибдики, асбурд асарларида ҳодисаларга салбий муносабат, инкор руҳи кучли, ҳодисанинг даҳшатли манзараси кескинлаштирилган қабариқ ҳолда чизилади, ҳодисанинг фожеий моҳиятини бутун зиддиятлари билан китобхонга етказишга ҳаракат қилинади. Бу ҳол айрим китобхонларга бирёқлама, ғайритабиий туюлиши мумкин. Бироқ, начора, адабиётда бундай йўл ҳам умр кўришга ҳақли. Воқеликнинг ўзида абсурд учун замин бор экан, воқеликни абсурддан иборат деб билувчилар, қолаверса, абсурд талқинга мойил китобхонлар мавжуд экан, бундай адабиёт яратилаверади. Абсурд асарларни хушламаслик, уларнинг муаллифлари билан баҳс-мунозара қилиш мумкин, аммо бир вақтлар бўлгандек, абсурд асарларга менсимай қараш, бундан ҳам ёмони, уни таъқиб ёки ман этишга уриниш қип-қизил жаҳолатнинг ўзгинасидир. Айни пайтда нисбатан янгилик бўлган бу ҳодисани адабиётдаги сўнгги сўз сифатида кўтар-кўтар қилиб, бошқа йўналишларни, чунончи, анъанавий реализм йўлида битилган асарларни «эскилик»ка чиқариш, камситиш ҳам ўринсиз. Абсурд асарларнинг ўзига хослигини, қатор фазилатларини тан олган ҳолда, улардаги айрим чекланган жиҳатларни, хусусан, бўёқлар, тасвир оҳангидаги бирхилликни ҳам айтиб ўтмоқ жоиз. Ҳар ҳолда, воқелик анчалик бемаънилик ва даҳшатларга тўла бўлмасин, инсон ҳаёти, шахси, табиати абсурд асарлардагига қараганда сержило, ранг-баранг. Анъанавий реализм абсурдга ва бошқа янгича ижодий йўналишларга нисбатан воқеликнинг, инсон ҳаёти ва шахсининг ана шу сержило товланишларини ифода этишда беқиёс имкониятларга эга. Реализм бошқа ижодий-фалсафий оқим ва йўналишларни, жумладан, абсурдга хос тасвир ва талқинни ҳам ўз бағрига жо эта олади. Ҳозирги ўзбек насридаги изланишлар бу фикрни тўла тасдиқлайди.

Шукур Холмирзаевнинг «Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди...» ҳикояси гўё абсурд асарлар билан ўзаро баҳс-мунозара тарзида битилгандай туюлади. Унда ҳам тоталитар тузум инқирози ва ҳаёт машаққатлари гирдобида гангиб, тушкунликка юз бурган шахс тасвирланади. «Сотсиализмнинг барбод бўлганига ачинмайман. Бироқ у билан бирга менинг ҳам нималаримдир барбод бўлганига ачинаман: мен ишонган қадриятлар пучга чиқди... Гўёки бугунги кунгача беҳуда яшаган эканман...», дейди у ички алам билан. Бироқ адиб бу кўргиликларни охир замон, ҳаётнинг, умид-орзуларнинг бутунлай сўниши, тугаши деб билмайди. Ҳикоя қаҳрамони шу мушкул, чигал дамларда, она табиат қучоғида инсонийлигини, табиийлигини, самимиятни, боқий қадриятларни сақлаб қололган одамлар билан мулоқотда бадбин хаёлларни тарк этиб, ўзлигига қайтади. Қаҳрамон шуни чуқур англаб етадики, бунақа кўргиликлар энди юз бераётгани йўқ, бу кўҳна дунё бундай мустабид тузумлар, уларнинг инқирози, йўқчилик, машаққатларни, қолаверса, бундан ҳам даҳшатлироқ ҳодисалар — қаҳатчилик, ўлат, ўзаро қирғинларни неча бор кўрган. Етмиш йиллик тоат-ибодат йўққа чиққан экан, ҳикоя қаҳрамонларидан бири — аломат қиз-жувон айтмоқчи, шунгаям ғам тортишми?.. Одамларнинг қўлидан нима келади? Тағин битта тузум бўлади-да: яхшими, ёмонми... Лекин она табиат, инсоният, инсоний қадриятлар, илоҳий эътиқод қолаверади... »Хулоса шулки, азизим, дунё ўтар экан, — дея баҳсга якун ясайди ҳикоя қаҳрамони. — Тузумлар ўтар экан! Шайхзода домла айтганларидек, эл-улус қолар экан. Анави содда қиз-жувон айтганидек — табиат, тун, тоғлар, ўрмонлар, борлиқ қолар экан!.. Биз ҳар қанча мавҳум — мунгли хаёлларга чўмиб, руҳий тушкунликларга тушмайлик, яшашга маҳкум эканмиз ва борлиқни севиб яшашимиз лозим экан!»

Қаҳрамоннинг узил-кесил хулосаси шу! Муаллиф ўзининг шу хулосасига бизни ҳам ишонтира билган. Ҳикояда яна бир муҳим йўналиш бор. Гап асар қаҳрамони шоир Қудрат билан нотаниш қиз — жувон Зумрад орасидаги интим мулоқот устида боряпти. Қудрат тоғ йўлида тунда яқингинада кўнгилсиз бўлиб эридан чиққан ўн саккиз ёшли сўлим қиз — жувон Зумрад билан ҳамроҳ бўлиб қолади. Шоир бу қиз — жувонни илк бор кўриши. Жувон эса ҳамюрти — шоирни, унинг ижодини, оилавий муҳитини миридан сиригача яхши билади. Ёмғир шивалаб турган сокин тунда тоғлар оралиғида, гулхан атрофида бу икки йўловчи орасида ғаройиб мулоқот, суҳбат боради. Бир томондан, аёлнинг ғалати қилиқлари, тунда шоир кетидан илашиб, инон-ихтиёрини унга топшириб юришлари, кўнгил учун ичкиликка таклиф этганида ҳеч иккиланмай-тортинмай қадаҳни

www.ziyouz.com kutubxonasi

сипқориши, нотаниш одамга ўзининг шахсий ҳаёти ҳақида юрак ёзиши шоирни таажжубга солади. Иккинчи томондан, бу содда қиз — жувоннинг турмуш машаққатлари, ижтимоий ҳаёт жумбоқлари, сиёсат, тузумларнинг ўткинчилиги, ҳаётнинг, табиатнинг мангулиги ҳақидаги содда, аммо теран мушоҳадалари уни лол қолдиради. Аниқ кўриб-сезиб турасиз, қиз — жувонда шоирга нисбатан интим майл бор, ўз навбатида қиз — жувонга нисбатан шоирда ҳам. Мана энди бирор кор-ҳол юз беради, деб турасиз. Бунинг учун ҳамма шароит муҳайё. Бироқ сиз билан биз кутган иш рўй бермайди. Баъзи бировларга бу ёзувчининг рационализми, ҳодисаларнинг табиий тадрижига, инсон шахсий майллари мантиқига зид бориш, ҳодисани ўз мақсад-ғояларига мажбуран бўйсундириш бўлиб туюлиши мумкин. Қолаверса, биз кейинги бир неча йиллар давомида нотаниш эркак билан аёл ўртасидаги мулоқот якуни албатта интим висолдан иборат деб қарашга одатландик. Ш. Холмирзаев ҳикоясидаги сингари вазиятлар қаламга олинган асарларда пировард-натижада албатта интим висол юз беради, буни табиийликнинг бирдан-бир йўли деб тушунилар эди. Шукур адабиётимизда кенг тарқалган айни шундай қараш, талқинлар билан ҳам баҳсга киришади. Қиз — жувон билан ғаройиб мулоқот туфайли бош қаҳрамон — шоирнинг ҳаётга муносабати, қараши кескин ўзгарди. Шоир танидаги, вужудидаги шайтон васвасалари чекиниб, нурли туйғулар, ҳаётга ишонч, муҳаббат кайфиятлари юзага қалқиб чиқади. Бу учрашувни у Оллоҳнинг неъмати деб қабул қилади ва уни бузмаслигим-булғамаслигим шарт, деган фикрга келади. Учрашув охирида улар орасида яна ғалати туйғуларга, нозик қочиримларга тўла мана бундай гап-сўз бўлиб ўтади:

«— Раҳмат... Мен жуда маза қилдим,— давом этди у.— Худо урсин агар, сизни... шунақа бўлсалар керак, деб ўйлаб эдим. Рост чиқди.

Мен фикрини тушунган эдим. Коняқдан яна отдим-да, дадилланиб:

— Яхши тушунмадим,— дедим.

У башарамга боқиб турди-да, бу ёмғирли тунни тўлдириб кулиб юборди.

Тасаввур этинг, мен ҳам унга қўшилиб кула бошладим. Табиий, қандайдир айбимними-гуноҳимни яшириб кулар эдим. У бўлса... балки у ҳам ўшандай айбинами-гуноҳинами бекитиб кулар эди».

Бу кулгида қанчалар чуқур маъно, сеҳрли туйғулар мужассам. Демак, қиз — жувон шоирга интим майл билдиргани билан қалбининг қаеридадир унга нисбатан бошқача туйғу ҳам бўлган, уни пок, идеал одам деб билган. Мана энди ўша туйғу ҳақ бўлиб чиққач, ўзининг айби-гуноҳи — бадбин майлларга берилгани учун ноқулай аҳволда қолади, бу айбини тунни тўлдирган кулгига қўшиб яширмоқ пайига тушади. Ўз навбатида шоир учун ҳам кулги ўша дамларда хижолатдан чиқишнинг бирдан-бир қулай воситасига, шарм-ҳаёнинг нозик пардасига айланади. Маълум бўлаётирки, бундай талқинда ҳеч қанақа атайинлик, сунъийлик йўқ. Ҳикоядаги бундай хотима руҳан-мантиқан пухта асосланган. Қолаверса, шарм-ҳаёнинг бешармлик устидан бу хилдаги тантанаси шарқона ахлоқий қадриятларга, миллий адабий анъаналарга бориб туташади. Бу ҳол ҳазрат Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» достонидаги Анушинрвон ҳикоятини ёдга туширади. Анушинрвони одил маъшуқаси васлига етишиб, унга шўхлик қилаётганда, кўзи бирдан очилиб турган наргис гулига тушади-ю, ўзининг беҳаёларча хатти-ҳаракатидан хижолат тортади. Шунда Навоий ёзади:

Айш, Навоий, неча дилкаш дурур,
Лек адаб бирла ҳаё хуш дурур...

Шукур Холмирзаев ҳикояси қаҳрамонлари ўша дамларда «адаб бирла ҳаё» йўлини тутган эканлар, буни тушуниш керак. Ҳар ҳолда адаб, андиша, ҳаё оёқ-ости бўлиб ётган бугунги замонда ҳам одамлар танида, қалбида бобомерос инсоний туйғулар сақланиб қолганига ишонгинг келади.

Одил Ёқубовнинг «Музқаймоқ» ҳикояси ҳам бугунги адабиётимизда воқеликка анъанавий ҳаётбахш реализм назаридан ёндашишга яхши мисол бўла олади. Бу асар мустабид тузум, якка-ҳоким мафкура жиноятининг энг даҳшатли лавҳаларидан — машъум ўттиз еттинчи йил қатағонига дучор бўлган бир оила, топталган болалик, хўрланган инсоний туйғулар ҳақида баҳс этади. Қатағон йилларининг даҳшатлари «Олтин занглмас»дан тортиб, «Кафансиз кўмилганлар»гача кўплаб асарларда қаламга олингани маълум. »Музқаймоқ» муаллифи буларнинг бирортасини ҳам такрорламайди ва машъум ҳодисанинг янги қирраларини бадиий кашф этишга эришади. Аввало, ҳикоя қаҳ-ҳорона шафқатсиз услубда битилган. Ҳақиқат, адолат олдида муаллиф ўзини ҳам, отасини ҳам аямаган. Қарангки, сиёсий мафкуравий қутқу туфайли Одилжоннинг отаси Эгамберди билан бобоси Ёқуб шайх дарёнинг икки соҳилига ўтиб қоладилар. Бобо қишлоқнинг энг катта масжидида номдор сўфи, тақводор шайх; ўн олтинчи йили Россияга мардикорликка кетган ота — Эгамберди эса у ёқдан болшевой бўлиб қайтади. Шу-шу ота-бола бири — шайх, бири — болшевой, қип-қизил синфий душманга айланадилар. Эгамберди умрининг сўнгги дамларигача болшевойлар ғоясига сидқидилдан хизмат қилади: партия мактабида ўқийди, майда миллатлар бўйича Халқ комиссари, районда биринчи котиб, сиёсий бошқарма раҳбари, туман молия бўлимида мудир бўлиб ишлайди; партия, Сталин сиёсатига тўла ишонади, уларга садоқат билан хизмат этади. Эртаю кеч партия, давлат хизмати деб тиним билмайди, ўзини, оиласини унутар ҳолга бориб етади. Энг даҳшатлиси, мана шу садоқат, фидойилик, холис хизматлар эвазига охирида «Отанг сўфи бўлган, сен буни яширгансан» деган айбнома билан таъқибга учрайди, қатағон қилинади. Ота ўғли билан сўнгги учрашувда алдовга қурилган тузум, сохта ғоялар йўлида маънисиз ўтган умр, беҳуда жонбозлик, фидойиликларини англаб етгандай бўлади, фарзандлари олдидаги оддий оталик бурчини ўтолмаганидан афсус-надоматлар чекади, тўнғич ўғлига бир марта музқаймоқ ҳам олиб беролмаганидан ўкинади.

Бундан ҳам ёмони, фидойи болшевик ота, болшевизм мафкурасининг ўчоғи бўлмиш совет мактабида таълим олган, оқпадар Павлик Морозовлар руҳида тарбияланган ўғлон ҳам бошда отасига тортади, отасини ҳибсга олиш учун келган қотилларга холис хизмат кўрсатиб, уларнинг «таҳсини»га сазовор бўлади. Улардан бирининг «Маладес!.. Келгусида Павлик Морозов чиқади сендан!» деган таҳсинидан яйрайди.

Ҳикоячи ёзади: «Капитаннинг бу кутилмаган мақтовидан юрагим «жиз» этди. Кейинчалик, катта бўлганимда, мен уйдаги дод-фарёдга қарамасдан отамни қамашга келган жаллоднинг мақтовидан бир зумгина бўлса-да, яйраб кетганимни ҳар эслаганимда бир ўзимдан ижирғаниб юрдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо ўша дақиқада, афсус-надоматлар бўлсинким, унинг сўзларидан ғурурланиб кетганим ҳам ҳақиқат, мудҳиш ҳақиқат!»

Болшевистик таълим-тарбия, таъқиб ёш авлод руҳини истило этиш, ўз комига тортишда давом этади. Ҳикояда бугунги китобхон учун латифадек туюладиган аянчли бир лавҳа келтирилади: ҳушёр муаллим синфда ўқувчиларга дафтар варағидаги Пушкин суратидан СССРга қарши ширин белгилар топишни топширади. Одилжон биринчилар қатори рассом кирдикорини фош этади, бу билан ўзини чинакам қаҳрамон ҳис этади ва яна бир бор ўша қотиллар таҳсинига эришади. Жамиятнинг бемаънилиги, номардлигини қарангки, навниҳол ўғлон бу «фидойилиги», «садоқати» эвазига мукофот ўрнига таққирга дучор бўлади.

Мустабид жамият, ҳукмрон мафкура катталар етмаганидек, ёш гўдаклар кўнглига ҳам оғу солиб, уларни ҳамма нарсадан шубҳаланишга, ҳамма ёқдан ёвузлик қидиришга ўргатгани ҳикояда таъсирли чизилган. Бироқ ўша мудҳиш дамларда ҳам одамлар қалбида эзгу туйғулар, барибир, сақланиб қолган эди. Замона тазийқи таъсирида ўғли қарашларида юз бераётган нохуш ҳолатларни кўриб-кузатиб бораётган она дил-дилдан ўртаниб, унга: «Ҳой, болам-ов, болам-ов!.. Сенга нима бўлди, болам-ов!.. Илоё, дадангга ўхшаб қаҳри қаттиқ бўлма. Оллодан битта-ю битта тилагим шу, болам», дейди.

Мана шу сўзлар отанинг сўнгги пушаймон, афсус-надоматлар тўла дил изҳорига қўшилиб, бутун ҳикоя бағридаги зулматни ёритиб тургандай бўлади, кўнгилларда эзгуликка, ҳаётга, одамларга ишонч, меҳр-муҳаббат туйғусини ҳаракатга солади. Ёзувчи айтмоқчи, адабиётнинг азалий вазифаси шу — бир-биримизга, она юртга, боринғки, ҳаётга муҳаббат уруғини сочиш.

Асқад Мухторнинг «Фано ва бақо» ҳикоясида тамомила бошқача ҳолат, ўзгача талқинга дуч келамиз. Адибнинг шу пайтга қадар ёзган насрий асарларида шахсни материалистик тарзда идрок этиш — уни ижтимоий муносабатлар маҳсули сифатида кўрсатиш, шахс табиати ва тақдирида даврнинг, жамиятнинг, ижтимоий-сиёсий омилларнинг таъсирини алоҳида таъкидлаш устивор эди. Ёзувчининг машҳур романларидан бири «Давр менинг тақдиримда» деб аталиши тасодифий эмас. Бу ҳикояда ҳам қаҳрамонлар табиати ва қисматида муҳит-шароитнинг таъсирини кўрсатиш мавжуд. Иштирокчилардан бирининг сўзлари билан айтганда, одам боласи дунёга соф келади, ҳамма ёмонликни шу дунёда ўрганади, шу ерда орттиради. Ҳикоя қаҳрамони Холхўжа ҳам, Очил ҳам шу нобоп, номукаммал дунё, аниқроғи «социалистик ҳаёт тарзи» чигалликлари гирдобида гуноҳ йўлларга кириб қолган, шу дунёнинг давлати, роҳат-фароғати, ўз нафсини деб имон-эътиқоддан юз ўгирган. Ёзувчи инсондаги муайян муҳитда шаклланган салбий иллатларнинг оқибатларига кўпроқ қизиқади. Бора-бора ҳикояда ижтимоий талқин чекиниб, қаҳрамонлар бисотидаги, руҳиятидаги туғма хусусиятлар таҳлили олдинги ўринга ўтади. Персонажлар бир эмас, икки бор бу фоний дунё чегарасидан чиқиб, боқий дунё остонасида кўринади. Худди ўша нуқтада улар ўзлигига қайтадилар, Оллоҳни ёд оладилар, қилган гуноҳлари учун пушаймон ейдилар; бир-бирларига юрак розини, сирларини айтадилар.

«Тирикчилик — асли тирриққчилик. У дунёга ишонмайди-да кўплар. Шунинг учун қўрқмай кирдикорини қилаверади». «Боқий дунёнинг борлиги унинг остонасига келганимиздагина ёдимизга тушади. Инсон унинг борлигига бир умр имон келтирса, каптар келиб, қузғун кетмасди... Келса гумон — кетар иймон, дегани шундан-да». «Дунё йиғиб нетарсан, бир кун ташлаб кетарсан. Буниси майли. Лекин гуноҳни олиб кетма». «Ҳаёт ўлимдан ёмонроқ. Мен невақтдан бери шуни ўйлаб, бошим ёрилай деяпти. Ҳаёт зарарли, одам шундай ўлади асли. Аммо-лекин дорилбақо... остонасида турган икки киши учун фанонинг ўзи ҳам, у туғдирган мудҳиш гуноҳлар ҳам ҳеч нима эмас. Фақат, уларни дунёга ташлаб кетиш керак». Булар бақо остонасида танишган икки гуноҳкор «дўст» — банданинг иқрорномаси, тавба-тазаррусидан айрим намуналар.

Нокомил банда табиатининг ғаройиб шеватини қарангки, тақдири азал тақозоси туфайли бу икки «дўст» бақо остонасидан яна фоний дунёга қайтадилар. Орадан кўп ўтмай, яна шу дунё ғалвалари гирдобига шўнғиб, қалтис дамдаги тавба-тазарруларини, аҳду паймонларини унутадилар. Бугина эмас, оғир вазиятда бир-бирларига ўз гуноҳлари, сирларини очганлари учун пушаймон ейдилар, Холхўжа ўз дилини ошкор этгани учун Очилдан, Очил эса Холхўжадан шубҳага тушади. Энг даҳшатлиси, икки сирдош «дўст» бир-бировининг пайига тушади, бир-бирининг жонига қасд қилади... Тақдири азалнинг карамотини қарангки, яна бу икки гуноҳкор банда ўлим чангалидан омон қоладилар, бақо остонасидан қайтадилар. Пировардида бошда бақо остонасида дўст тутинган, бу дунё ғамини деб ашаддий рақибга айланган бандалар такрор бир-бирига тўқнаш келадилар. «Ҳа, у ҳам тирик, бу ҳам тирик. Энди то охиригача улар бир-бирларини таъқиб қиладилар. Яна олдинда умр, яна ҳаёт, яна жиноятлар. Азобли йўлни барибир босиб ўтиш керак. Фанода ҳам, Бақода ҳам». Ҳикоядаги муҳим хулоса шуки: «Худованд бир инсонга икки дунёни бериб қўйибди. Аммо иймонни бой берганга иккаласи ҳам ҳаром экан...»

Инсон ҳаёти ва табиатини шу хилда диний-руҳоний нуқтаи назардан тафтиш-таҳлил этишга, ижтимоий мезонларга ҳар доим ҳам тўғри келавермайдиган пинҳоний, сирли-сеҳрли жиҳатларни кашф этишга уриниш насримизда чиндан ҳам янгилик. Шу хилдаги изланишлар Омон Мухторнинг «Минг бир қиёфа», Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» романларида ҳам бор.

«Минг бир қиёфа» романи марказида ўта хокисор, камсуқум, заҳматкаш бир истеъдодли одам — шоир Абдулла Ҳаким қисмати ётади. У адабиётимизда одат тусига кирган «ижобий» ва «салбий» қаҳрамонларнинг бирортасига ҳам ўхшамайди. У бир пайтнинг ўзида ҳам хокисор, забун, нотавон; ҳам фидойи, жасур; ҳам гуноҳкор-дўзахи; ҳам савоб ишлар қилган жаннати одам. Бу ғаройиб табиат йигит шундай бир даврда, муҳитда яшадики, унга ҳаёт асло кулиб боқмади; отасиз ўсди (отасини бекорга қамаб йўқ қилиб юбордилар), кейин волидасидан ҳам айрилди. Бутун умри кун кўриш учун қулдек ишлаб очик-юпунликда, ғарибликда кечди. У — инсон шахси, эрки топталган, инсоний қадриятлар, иймон-эътиқод оёқ ости қилинган, халқимиз табиатига, руҳиятига бегона даҳрий эътиқод хуружи ҳаммаёқни тутган, даҳрийлик ғолиб келган замон фарзанди. Бундай шароитда у ўзининг виждоний эрки, шахсий бахти, муҳаббати учун курашмади, курашолмади. Кўнгил қўйган қизи онасига маъқул тушмагани учун ундан ўзини тортди; айни пайтда у қалбида айрим боқий инсоний туйғуларни сақлаб қололди — қатор яхши шеърлар ёзди, Насриддин Афанди болалиги ҳақида жиддий асар яратди. Аммо уларни чиқариш учун ўзини ўтга-чўққа урмади, буни бе-

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъни машғулот, ўзи учун ор санади. У умрида бир бор мардлик, фидойилик кўрсатди — яқин одами, ҳақиқат, адолат йўлида курашаётган дўсти учун ҳаётини, жонини фидо этди. Аммо дўсти бу жасорат қадрига етмади. Шу тариқа Абдулла бу фоний дунёда бир нави яшаб ўтди, баҳоли қудрат ўзгаларга яхшилик қилмоқчи бўлди. Афсус, тириклигида қадр топмади, уни қийнаб, ёвузларча ўлдиришди, ўлиги сарсон-саргардон бўлди; ҳатто у ўз номи қолиб, дўстининг номи билан қабрга кирди.

Тирикликдаги кўргиликлар етмагандай, лоқайдлиги, сусткашлиги, ўзлигини англаб етмагани, иймон-эътиқодда собит турмагани учун аввал лаҳадда жазо олди, қиёматда эса дўзахга ҳукм қилиниб, тани-жони оловда ёнди...

Шоир бу «ҳақсизлик»лардан бошда ажабланади. Шунда фаришталар гуноҳини юзига тўкиб соладилар: «...сен ҳаммани қаёқлардадир чорлаб, ҳаммага гап ўргатгинг келарди. Шоирман, деб бақириб-чақиришни касб қилгандинг. Аммо, мен ўзим аслида кимман, инсон бўлиб нимага эришдим-у нималарга эришмадим, деган гап хаёлингдан ҳам ўтмади. Ҳолбуки, инсон учун ўз-ўзини билиш, ўзининг аҳволига тушуниб етиш энг юксак даражадир... сен Худога ишонардинг. Шунинг баробарида, шоҳлар — арбоблар, дегандек дунёда ҳукмини ўтказиб яшаган, ўзини бутун ҳаётнинг хўжайини деб билган қайсидир кибор, манман кишиларга Худодан ҳам кўпроқ ишонардинг!» Фоний дунёда шундай гуноҳлар қилгани, имон-эътиқодда собит турмагани рост, бунга ўзи ҳам иқрор. Бироқ у буларни ўзгалар гуноҳи олдида арзимас нарса деб билади. Олий ҳақиқат шуки, гуноҳнинг каттакичиги бўлмайди, ҳар ким ўз қилмиши учун бу дунёда ҳам, қиёматда ҳам ўз улушини олади. Яна бир сабоқ шуки, бу фоний дунёда қилинган савоб ишлар изсиз, жавобсиз, мукофотсиз қолмайди, самараси эртами-кечми, барибир рўёбга чиқади. Шоир гуноҳига яраша жазосини олгач, савоб ишлари учун авф этилиб, дўзах азобидан фориғ бўлади. Бу дунёда эса унинг номи, асарлари халққа қайтади.

Ана шу хокисор, дарвештабиат одамнинг ҳаёти, қисмати, фоний ва боқий дунёдаги саргузашт-кўргиликлари асарда ёзувчи учун бир маънавий кўзгу вазифасини ўтайди. Романдаги бошқа қаҳрамонлар қиёфаси, қилмиши ҳам шу кўзгуга солиб баҳоланади. Бу камсуқум, гуноҳкор банда қаршисида бутун бошли мустабид тузумни қўлида тутиб турган зўравон,шафқатсиз ёвуз кучлар, мунофиқ, иймонсиз кимсалар қилмиши гуноҳи азим экани аён. Модомики шоирдек беозор банда айрим гуноҳлари учун шунчалар азоб-уқубатларга гирифтор бўлган экан, бояги зўравон кимсаларнинг охирати нима билан тугаши маълум — буни ўйлашнинг ўзи даҳшат! Мана шу хокисор йигит қаршисида улкан мартабага эга бўлган катта мансабдор шахслар — Кабиров ҳам, Опа ҳам, Оппоқов ҳам ўта майда, чучмал кимсаларга айланади. Ҳатто жиноятчиликка қарши ўт очиб, жасурлиги билан эл орасида танилган Бурҳон Шариф ҳам, умри эл саломатлиги йўлида кечаётган куюнчак шифокор Садиржон ҳам кичкина, жўн одамлардек туюлади.

Романда ғаройиб бир ҳолат мавжуд. Абдулла Ҳаким кўринишда дўсти Бурҳон Шарифга ниҳоятда ўхшаш. Абдулла Ҳаким ҳалок бўлганида Бурҳон Шариф сафарда эди. Абдулла Ҳакимни Бурҳон Шариф деб дафн этадилар. Бурҳон Шариф сафардан қайтганида унга Абдулла Ҳаким деб муносабатда бўладилар, ҳатто Бурҳон Шарифнинг умр йўлдоши ҳам бу икки шахсни бир-биридан ажрата олмайди. Бу ҳол айримларга сунъий, ўта муболағадор бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ бунда муҳим ҳақиқат, жиддий маъно бор. Мустабид тузум, яккаҳоким мафкура одамларнинг, ҳатто пешқадам сиймоларнинг «мен»лигини, ўзлигини емирди, уларни қиёфасиз кимсага айлантирди ёки қиёфасига соя солди. Шу тариқа уларнинг ҳам бу дунёсини, ҳам у дунёсини маҳв этди. Абдулла Қодирий сўзлари билан айтганда, «шахси бутун» бўлмаган, «Ўзида ҳақиқатни ихтиёр қила билиш кучи топилмаган, ожиз, ихтиёрсиз» кимсалар қиёфасиз бандалардир; бу фоний дунёнинг адолатсизликлари, майда манфаатлари олдида «бўйин буккан банда бандаларнинг энг ярамасидир», зўравонлар, расво кимсалар олдида «қуллиқ бунёд қилган расво расволарнинг энг ашаддий расвосидур». Бундай кишиларда иймон-эътиқод бўлмайди. Модомики муайян ҳолларда эътиқоддан чекиниш Абдулла Ҳаким ва Бурҳон Шарифдек кишиларни ҳам қиёфасиз ҳолга келтириб қўйган экан, бутун умри қабоҳатлар билан муросаю мадорада бўйин букиб, замонага мослашиб ўтган бандаларнинг ҳолига, қисматига вой! Шу тариқа адиб қиёфасизлик — иймонсизлик, эътиқодсизлик фожиасини бутун даҳшати билан кўз олдимизда гавдалантиради.

Асарнинг ифода тарзига хос муҳим хусусиятларидан бири шуки, ёзувчи қалами бу фоний дунё воқеалари ифодасидан нариги — боқий дунё саргузаштлари тасвирига эркин кўчади, етакчи қаҳрамон иккига ажралиб, руҳи билан тани айри ҳолда бири иккинчисини таъқиб этиб юради. Романда жиддий реалистик таҳлил илоҳий-руҳоний тасаввурлар, талқинлар билан эркин туташади. Узоқ йиллар реализмни фақат моддиюнча фалсафага таянувчи ижодий оқим деб тушуниб келдик; моддиюнча тафаккур билан диний-руҳоний қараш бир-бири билан асло келишолмайди, деб таълим бердилар бизга. Ҳолбуки, адабиётда инсон ҳаётини, шахсини ҳам материалистик, ҳам диний қарашлар бирлигида идрок этиш, теран таҳлил этиш тажрибаси бор эди. Чунончи, Ф.Достоевскийдек даҳо реалистлар ўтган асрда бу йўлда мислсиз бадиий кашфиётлар яратган эди. Коммунистик тоталитар тузум даврида бу йўл рад этилди. Шунга қарамай, 60-80-йиллардаги «илиқлик» туфайли айрим жасур адиблар, жумладан, Ч.Айтматов, Н.Думбадзе ўша қутлуғ анъанани тиклашга ҳаракат қилдилар. «Асрга татигулик кун», «Қиёмат» асарлари шу йўлдаги дадил қадамлар бўлди.

Ниҳоят, бизда ҳам ҳаёт ҳодисаларини, инсон шахси жумбоқларини реализм заминида илоҳий-руҳоний қарашлар жўрлигида бадиий таҳлил-тадқиқ этишга уринишлар бўляпти. Бу йўл ҳар жиҳатдан таҳсинга сазовор. Мазкур ҳодисани рус адабиётшунослари «христианлик реализми»га қайтиш деб атамоқдалар. Эҳтимол, биздаги бу ҳодиса ислом-руҳоний реализмининг туғилиши, шакллана бошлаши деб аталса, мақсадга мувофиқ бўлар. Гарчи ўтмишда диний йўналишдаги насрий, шеърий асарлар кўплаб яратилган бўлса-да, реализм тажрибаларига таянувчи илоҳий-исломий талқинлар адабиётимизда энди кўринятти.

Инсон шахси, қалбининг давлат, тузум, ижтимоиёт, мафкура, ҳатто дин ва сиёсатга бўйсунмайдиган ғаройиб жиҳатларини талқин этишда яна ўзгача тамойиллар ҳам кўринмоқда. Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романидаги уруш ифодасини эслайлик. Мазкур талқин романда тамомила янгича. Аввалги уруш ҳақидаги асарлардан фарқли ўлароқ, бу ерда қарама-қарши турган кучларни дўсту душманга, оқу қорага, «бизникилар» ва «улар«га ажаратиш йўқ. Романда ғолиблару

www.ziyouz.com kutubxonasi

мағлублар, қаҳрамонлару қўрқоқлар йўқ. Фақат уруш қурбонлари, тузум, мафкуравий айирма, рақобат жабрдийдалари бўлмиш бегуноҳ инсонлар бор, холос. Уруш ҳар икки томон учун ҳам вайронгарчилик, ўлим, жудолик, мусибат, тандаги, қалблардаги жароҳат, даҳшат-фожиа! Ёзувчи фақат афғон уруши эмас, Ватан уруши ҳодисаларига ҳам шу хилда янгича ёндашади. Романда шундай эпизод бор: олдинги линияга бир ҳафтача овқат келмаган. Жангчилар оч қолган. Ғетараф зонада картошка полизи бор. Украин йигити Бондаренко билан соддадил қозоқ жангчи картошка кавлаб келишга борадилар. Қуюқ туман ичида улар душманга — немис жангчисига дуч келадилар. У ҳам очлик туфайли картошка ковлагани келган экан. Немис русчани биларкан, қарангки, улар гурунглашиб қоладилар. Гапдан гап чиқиб, немис уруш жонига текканини, уйини, учта боласини соғинганини айтади, қозоқ эса саккизта боласи борлигини, колхозда «молши» бўлиб ишлашини айтади. Бондаренко онасини соғиниб кетганини гапиради. Қисқаси, ашаддий «душманлар» рақибликни унутиб, бир-бирлари билан ҳасратлашадилар. Сўнг немис у ёққа, қозоқ билан украин бу ёққа ўз йўлига кетаверадилар... Агар одамлар табиати, шахсиятидаги шу хил хислатлар билан алоқадор ҳодисалар кенгроқ, янада теранроқ қаламга олинса — шунинг ўзи бутун бошли роман бўлиши мумкин!

Шу романдаги яна бир ҳолатни, аниқроғи, Комиссарнинг умр йўлдоши Назира билан алоқадор талқинни эслайлик. Комиссар билан Назира иккиси бошқа икки олам. Комиссар — мустабид тузумнинг, ҳукмрон мафкуранинг қилич ва қалқони, тузум етиштирган «сиёсий ҳушёрлик», ёвузлик, шафқатсизлик тимсоли. Назира эса нафосат, поклик рамзи. У — оилада яхши бека, эрининг вафодор умр йўлдоши, болаларининг меҳрибон онаси. Бу аёл эрининг ишларига асло аралашмайди, сиёсат, мафкура билан мутлақо иши йўқ. Ёвуз, шафқатсиз одам билан шундай беозор, мунис аёлнинг бир ёстиққа бош қўйиб, узоқ йиллар тинч-тотув яшаши ғаройиб ҳол! Назира ҳаётида ҳеч ким билан олишишни истамагани каби, умри сўнггида ҳам ажал билан тортишиб ўтирмай, осойишта жон таслим этади... Инсон табиати ва руҳиятининг ҳеч қанақа қолипларга сиғмайдиган бу хил шевалари адабиётимизда, мана, энди кенгроқ қаламга олина бошланди. Ҳолбуки, ҳаётда мафкуравий-сиёсий тасаввурларга сиғмайдиган бундай ҳолатлар жуда кўп. Фақат бизда, шарқда эмас, жаҳонда, тараққий этган мамлакатларда ҳам бунга ўхшаш ғаройиб инсоний муносабатлар беҳад кўп учрайди. Шоир айтмоқчи, азалдан кўп ҳолларда поклик, нафосат билан дағаллик ёнма-ён яшашга мажбур!

Анъанавий реализм йўналишида, ижтимоий ҳаёт оқимининг шахс табиати, руҳиятига таъсирини бадиий тадқиқ ва таҳлил этишда ҳам айрим янгича тамойиллар кўзга ташланаётир. Бу жиҳатдан Шукур Холмирзаевнинг «Олабўжи» романи ибратли. Романда кечаги қишлоқ ҳаётининг кенг манзараси чизилган. Ёзувчи воқеа-ҳодисалар оқимини, характерлар хатти-ҳаракатини, қаҳрамонлар руҳиятидаги жараёнларни холис туриб ифода этади, воқеа-ҳодисаларга асло аралашмайди, уларни ўз ҳолига қўйиб беради. Романдаги тасвир бошдан-оёқ ўта эркин, гўё хилма-хил жилғалардан йиғилиб, гоҳ тез, гоҳ секин оқиб борувчи тоғ дарёси каби ҳаракат қилади. Муаллиф эса баланд соҳилда «дарё ишлари»га аралашмай, унинг оқимини синчиклаб кузатиб тургандай. Қаҳрамонлар нафас олаётган, фаолият кўрсатаётган муҳит, шароит жумбоғу муаммоларга тўла. Шунингдек, персонажлар қисмати ҳам мушкулликлардан холи эмас. Бироқ, бу асарни кейинги ўн йилликларда урф бўлган «проблематик роман»лар тоифасига киритиб бўлмайди. Ундаги етакчи персонажлар ҳам одатдаги муайян ғоя-муаммоларни ташувчи «концептуал қаҳрамон»лардан бир мунча фарқ қилади. Ҳаётда, одамлар руҳиятида, онгида кечаётган жараёнлар оқими қаҳрамонлар характери, қисмати моҳиятини белгилайди. Ҳаёт ва руҳият оқимини холис кузатиш, тафтиш этиш орқали ёзувчи гоҳо ўзи сезмаган ҳолда жуда муҳим ижтимоий жараёнлар моҳиятини — мустабид тузум амал қилган мафкура, ўтказган сиёсат инқирозини фавқулодда бир маҳорат билан кўрсатади. Буни романдаги биргина персонаж — райком секретари Тўқлибой Қўчқоров образи мисолида кўриш мумкин.

Тўқлибой Қўчқоров ҳақиқий арбоб. У районда партия сиёсатини изчиллик билан ўтказади, котиблик вазифасини қойил қилиб адо этади, яхши, истеъдодли одамлар ҳисобига партия сафини мустаҳкамлаш пайида бўлади. Аслида у зиёли — ўқитувчидан чиққан раҳбар ходим, янгичадан ҳам, эскичадан ҳам дурустгина хабардор. «Рўзи маҳшар»ни ҳам эслаб туради; ўз соҳаси — халқ тарихини дуруст билади, кўпгина тарихий воқеа-ҳодисалар хусусида мустақил-изчил қарашлари бор. Айни пайтда, у шеърият шайдоси, шоир, журналистларни ҳурмат қилади, ўзи ҳам шеърлар ёзиб туради. Қизиғи шундаки, район миқёсида партия сиёсатини изчил ўтказиши лозим бўлган, амалда юқоридан белгиланган буйруқларни сўзсиз бажарадиган ва бажартирадиган бу раҳбар ходим ичида партия сиёсатини, эътиқодини қабул қилолмайди. У мавжуд тузумнинг турган-битгани бюрократияга, қоғозбозликка асосланганини, мустабид давлату тузумнинг таги бўшлигини, уни зулм ва ваҳшат қуролларигина ушлаб турганлигини яхши англайди. У босмачи деб бадном этилган миллий озодлик курашчиларининг, «пантуркист» деб номланган истиқлол фидойиларининг тарихдаги асл ўрнини, хизматини руҳан қадрлайди, истиқлол амалга ошишини истайди. Тараканов типидаги марказ одамларининг кирдикорларини миридан-сиригача билади; давлат, партия ҳозир ўтказаётган сиёсат — маданий, диний қадриятларнинг оёқ ости қилиниши, юрт бойликларининг таланиши, она табиатнинг топталиши, мактаб ўқувчиларининг ёш умри оғир меҳнатда хазон этилаётгани каби нохуш ишлардан куюнади. Лекин, барибир, ижрочи арбоб сифатида бу хато, адолатсиз сиёсатни изчил давом эттираверади, чунки у ўзини мустақил арбоб эмас, шунчаки бир қўғирчоқ, итоаткор, қарам, шу ҳокимиятнинг қули эканини, фақат эгарда ўтирганини асло унутмайди, унутолмайди. Бир район худудида расман ҳокими мутлақ саналган бу шахс ожиз, нотавон бир кимса, ўзи кўриб-билиб турган қабоҳатларга, хато сиёсатга қарши боролмайди, ҳатто унда разолатларга қарши исён уқуни ҳам кўринмайди. Демак, у аросатдаги одам: унда мустаҳкам иймон-эътиқод, юксак мақсад йўқ. «Бу дунёнинг ишларини ўйлайверсанг, жинни бўласан», дейди у. «Йўлсизлик»ка мубтало иймонсиз эътиқодсиз бу шахс ўзини айш-ишратга уради, яшаб қолишга ҳаракат қилади, шу тариқа ўзини овутади. «Ҳа, унинг асл ғояси — яхши яшаш». Иймон-эътиқодсиз, субутсиз кимсалар олдида гуноҳу жиноятлар учун ҳеч қанақа тўсиқ — инсоф, андиша, шарм-ҳаё, Оллоҳ ва бандаси олдида ҳадик-қўрқув ҳисси бўлмайди. Мана шу иймонсиз кимса соддадил содиқ шоғирди Ултонга хиёнат қилади, унинг тоза туйғуларини, йигитлик шаънини топтайди, ўйнаши — қув аёл Баҳорни унга рўпара қилиб, ўзи бош бўлиб уйлантириб қўйиб, маккорлик билан ўйин кўр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сатади. Бу ўйин ғоят қимматга тушади — ёркин истеъдод эгаси, халқнинг асл фарзандининг ҳаёти барбод, умри хазон бўлади.

«Тушда кечган умрлар» романидаги Комиссар ҳам хавфли, даҳшатли кимса. Бироқ унинг қиёфаси аён. У коммунистик эътиқодда собит. Тоталитар тузум сиёсатига, мафкурасига содиқ. Гарчи ҳаёт қарашларини рад этаётган бўлса-да, барибир, у ўз билганидан қолмайди, аҳдидан қайтмайди. Ҳар ҳолда бундай кимсаларни тушунса бўлади. Аммо Тўқлибой Қўчқоров сингари одамларни англаш мушкул. Булар қиёфасиз махлуқлар. Чунки иймон-эътиқодда содиқ туролмаган одамларда аниқ қиёфа ҳам бўлмайди, у даврга, замонага эркин мослашиб, жамиятни ичдан емиришда давом этаверади. Қарангки, социализм, компартия гуллаб-яшнаган йилларда раҳбарлик курсиларида ўтирган бузғарбоб мазкур тузум, партия инқирозга учраганда,унинг тузлиғига туфлаб, ҳеч иккиланмай, қийналмай янги бир етакчи партия сафига кириб олади. Модомики, Тўқлибой Қўчқоровдек раҳнамолар партиявий ақидаларга ишончини бутунлай йўқотган экан, бу ташкилот ҳалокатга маҳкум экани ўз-ўзидан аён. Шукур Холмирзаев романини ўқиб, Тўқлибой Қўчқоров тақдирини, руҳиятдаги жараёнларни кузата бориб, жаҳонга довруғ солган компартия кўз олдимизда бу қадар тез ва осон жон таслим қилгани боисини, асл сабабини англаб етгандай бўламиз.

* * *

Маълум бўляптики, бугунги адабиётимизда, жумладан, насримизда хилма-хил фалсафий заминга асосланган адабий-ижодий тамойиллар амал қиляпти. Улар орасида эндигина шаклланиб келаётгани ҳам бор. Бу янги жараёнларни кўз қорачиғидай асраш, ардоқлаш билан бир пайтда бирини иккинчисига қарама-қарши қўйиш, бирини улуғлаб, иккинчисини камситишдан тийилмоғимиз даркор. Бирор адабий оқим, мактаб, услубий йўналишни устун қўйиш, бошқаларини камситиш ёки рад этиш нималарга олиб келганлигини етмиш йиллик тажрибамизда кўрдик. Демократик, маърифатли жамиятда тарих ва инсон ҳақидаги ҳақиқатни айтиш, ифодалашга, юксак инсоний қадриятларни қарор топтиришга қаратилган эстетик қимматга молик ҳар қандай адабий оқим, мактаб яшашга тўла ҳақли.

Бу гапларни ёдга туширишдан муддао шуки, танқидчилигимизда гоҳо бугунги адабиётимиздаги баъзи ҳаётбахш, умидбахш тамойилларни қўллаб-қувватлаш асносида билиб-билмай бошқа адабий анъаналарни менсимаслик ҳоллари сезиляпти. Чунунчи, Сувон Мели «Руҳ қушимиз омонми?» мақоласида («Халқ сўзи», 1993 йил 20 февраль) «Илоҳга йўналмаган адабиёт — чала адабиёт. Одамзот ўзининг дунёдаги ўрнини англашга интилар экан, у ўзакни, моҳиятни албатта излайди. Жиддий адабиётнинг йўлию манзили — шу. Енгил адабиёт эса кимнидир, ниманидир мадҳ этади, кимнингдир хизматини қилиб, ошини ошаб, деярли изсиз ўтиб кетади. Жиддий адабиёт эса охир-оқибатда яратганга етиб келади, унинг минг бир ҳисларини, яралмиши инсоннинг бирон-бир жиҳатини Оллоҳнинг меҳр шуъласига қўйиб тасвирлайди. Шунда жиддий умуминсоний гап айтилади», деб ёзади. Эҳтимол, жиддий адабиёт яратиш учун санъаткорда мустаҳкам илоҳий эътиқод бўлиши зарурийдир, дейилса тўғри бўлар. Жаҳон адабиёти тажрибасидан аёнки, ҳар қандай жиддий, етук асар, албатта, илоҳга йўналган, илоҳий ғоялар билан йўғрилган бўлиши шарт эмас. Барча адибларни бирваракайига диний руҳда асарлар ёзишга ундаш яратганга ҳам, бандасига ҳам хуш келмаслиги ўз-ўзидан аён. Шундай буюк адиблар борки, Нақшбандий айтмоқчи, уларнинг дили Оллоҳда-ю, қўллари ишда: бўлар-бўлмас, ўринли-ўринсиз Оллоҳ номини ҳар нарсага пеш қилавермайди. Энг муҳими, ҳаёт ҳақиқатини ифодалашда виждонига, иймонига ҳеч қачон хиёнат қилмайди, ҳар қандай шароит, вазиятда ҳам фақат ҳақиқатни айтади, ифодалайди. XX аср рус адабиётида илоҳий эътиқодда собит турган иккита буюк адиб бўлса, шулардан бири — А.Солженицин. Бу адолатпарвар, инсонпарвар, ҳақгўй ёзувчининг мен ўқиган асарларида илоҳий ғоялар, талқинлар — «инсоннинг бирон-бир жиҳатини Оллоҳнинг меҳр шуъласида қўйиб тасвирлаш» деярли йўқ. Бироқ, бу ҳол асло адиб ижодининг ижтимоий-фалсафий, маънавий-бадиий қимматини камситиш учун асос бўла олмайди.

Еш танқидчи Абдулла Улуғов «Дардманд дил илтижолари» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1993 йил 2-6 февраль) бугунги адабиётимиздаги бошқа бир муҳим тамойил хусусида шундай ёзади: «Руҳимизнинг ҳеч бир қонун, фармойишларга сиғмайдиган қувонч, қайғудек турфа бисотлари бисёр. Эндиликда эса истеъдодли ижодкорларимиз ана шу изоҳсиз олам рангларини чизишга интилмоқда. Улар суратлантираётган манзараларда инсоннинг ҳар лаҳзада бир қиёфа касб этадиган безовта ички олам намоён бўляпти». Муаллиф бу ҳодисанинг ёркин далили сифатида Аскар Маҳкамнинг Бобурга бағишлаган «Таважжуҳ» достонини таҳлил этади, достонда илгаригидек қаҳрамоннинг саргузашт, кечмиш-кечирмишлари эмас, балки унинг тириклик ташвишлари тўғрисидаги айтолмаган ўкинчли мушоҳадалари, дилини тиғдай азоблаган, бошқалар билмайдиган армонлари сўзлаб берилганлигини таъкидлайди. «Қисмат тўлқинида чайқалди таним, иблис измида тентидим мардуд», дея нола чекаётган шоҳ Бобурнинг тавба-тазаррули қиёфаси билан таништирилади,— деб давом этади танқидчи.— Ҳаққа юзланган таважжуҳли дардкаш дилнинг қазо ва қадар ҳақидаги, Ватан, фано ва бақо ҳақидаги ўйлари қаламга олинади...»

Булар — ҳақ гаплар. Бироқ мунаққид бугунги адабиётимизга, шеъриятимизга, жумладан, Аскар Маҳкам достонига хос бу хил хусусиятларни адабиётимизнинг аввалги босқичига, ҳатто Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор ижодига, уларнинг ўзгача йўналишдаги асарларига қарама-қарши қўяди. «Совет даври мафкураси ҳаммамизни ашаддий материалистга айлантириб қўйди. Шунинг учун бўлса керак, аксарият асарларимиз кўриш, сезиш мумкин бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни шарафлашга, уларнинг аҳамиятини таъкидлашга бағишланди. «Қутлуғ қон», «Қўшчинор чироқлари» сингари мумтоз романларимиз мундарижасини қаҳрамонларнинг инсон сифатидаги ички дунёси, дарди, ҳис-туйғулари, кўнгил кечинмалари эмас, балки,уларнинг атрофида кечаётган кескин синфий курашлар белгилагани, асосий эътибор айни ижтимоий воқелик тасдиғига қаратилгани очиқ сезилади».

«Қутлуғ қон», «Қўшчинор чироқлари» романларида ижтимоий таҳлил етакчи ўрин тутганлиги рост, бироқ уларда, хусусан, «Қутлуғ қон»да қаҳрамонларнинг инсон сифатидаги ички дунёси, дарди, ҳис-туйғулари, кўнгил кечинмалари эътибордан четда қолган дейиш инсофдан эмас. Қолаверса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қаҳрамонларнинг ижтимоий ҳодисалар билан алоқадор ташвиш, кечинмаларини бутунича «инсоний ҳиссиётуйғулар» доирасидан четга чиқариб қўйиш ҳам тўғри бўлмас деб ўйлайман. Шахсни ижтимоий жиҳатдан таҳлил этиш фақат совет даври адабиётига эмас, жаҳон танқидий реализмига ҳам хос муҳим хусусиятлардандир. Тўғри, 20-30-йилларда ижтимоий таҳлил, ҳодисаларга синфий ёндашиш мезони гоҳо қўпол равишда бузилди, бундай қусур қисман «Қутлуғ қон», «Қўшчинор чироқлари» романларида ҳам учрайди. Аммо истеъдодли адибларимиз, айниқса, «Қутлуғ қон» муаллифи ўша кезларда қаҳрамонларнинг ҳам ижтимоий, ҳам шахсий-интим ҳаётини ифодалашда жиддий муваффақиятларга эришолди.

Танқидчининг «Ўғри» ҳикояси хусусидаги мулоҳазалари ҳам жиддий эътироз туғдиради. Унингча, 30-йилларнинг сара асарларидан Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикояси қаҳрамонлар қиёфасини, ҳолатини аниқ, ихчам суратлантиргани билан ҳар қандай китобхоннинг диққатини жалб этади. «Афсуски, — деб эътироз билдиради муаллиф,— ёзувчи ана шу қаҳрамонларнинг сийратини, яъни ички оламини негадир суратидай маҳорат билан аниқ, ишонарли чизиб бермайди». Мунаққид бундай эътироз боисини шарҳлаб, ҳақорат шубҳасиз нафрат ва адоват туғдиради, дейди. Сўнг Қобил бобо ва унинг рақиблари руҳиятида кечиши мумкин бўлган жараёнлар ҳақидаги ўз тахминларини баён этади: «Масхараланиш, хўрланиш туфайли эса Қобил бобо кўнглида ҳам исён, ҳасад пайдо бўлади. Айни чоқда, кекса бир чолнинг ночорликдан «дағ-дағ титраётган» ғарибона қиёфаси уни шилаётган порахўр-ўғри амалдорлар кўнглида ҳам ачиниш, афсусланиш ёки жирканишми, хуллас, қандайдир бир оғриқли муносабат уйғотади. Чунки ҳар қандай одам, у яхшими-ёмонми; бундан қатъи назар, турфа хил кечинма ичида яшайди». Муаллиф «Ўғри»да мана шу турфа ҳолат кўрсатилмаганлигидан афсусланади.

Аввало, «Ўғри»— персонажларнинг хилма-хил ҳолат-кечинмаларини ифодалаш учун кенг имкон берадиган роман ёки йирик достон эмас, ихчам ҳикоя эканлигини, қолаверса, бу ҳикоя қандай мақсадда ёзилганлигини, ундаги қаҳрамонларнинг асл моҳияти нимадан иборат эканини асло унутмаслик даркор. Қобил бобо — ўз номи билан қобил-мўмин, қул, муте инсон, замона зулми шафқатсизликлари туфайли ўзлигини йўқотган, мустақил фикрлашдан маҳрум кимса. Масхараланиш, хўрланиш туфайли Қобил бобо кўнглида исён, ҳасад пайдо бўлишини талаб этиш образ мантиқига мутлақо зид иш кўриш демакдир. Чунки айни шундай туйғулардан бегона экани учун ҳам у шу хил кўргиликларга мубтало! Ҳажвий йўналишда битилган персонажлар — Қобил бобони хўрлаган, масхаралаган мансабдор кимсалардан инсоний фазилатлар ифодасини талаб этиш ҳам оддий адабий нормаларга хилоф. Шахс табиатининг муайян жиҳатигина қаламга олинган бу хил қаҳрамонлар жаҳон адабиётида, хусусан, ҳикоячиликда тўлиб-тошиб ётибди. Қолаверса, Қобил бобо хилидаги фикрлашдан маҳрум, муте, мўмин кимсалар образи жаҳон адабиётида, жумладан, А.П.Чехов ижодида кўплаб учрайди. 60-70-йиллар совет адабиётида, масалан, Чингиз Айтматов асарларида ҳам бор. «Ўғри»даги соддадил, оми, қобил-мўмин кимса образидан «Таважжуҳ»даги номи жаҳонга машҳур шоҳ, саркарда, шоир, носир, олим, мутафаккир сиймо Бобур руҳиятига хос кечинмаларни, турфа ҳолатларни талаб этиш ўринсиз эканини исботлаб ўтиришга аслида ҳожат ҳам йўқ. Начора, шу хил эътирозлар билдирилаётган экан, бу ҳақда гапиришга мажбурмиз. Абдулла Қаҳҳор «Ўғри» сингари жаҳолат қурбонлари қаламга олинган ҳикоялар билан баробар ўша 30-йилларда «Сароб»-дек роман ёзиб, руҳий изтироблар оловида қовурилиб ёнган, турфа ҳолатларда намоён бўлган ёрқин характерлар ҳам яратганлигини эсдан чиқармайлик.

Қисқаси, ҳозирги адабиётимиздаги «руҳимизнинг ҳеч бир қонун, фармойишларга сиғишмайдиган қувонч, қайғудек турфа бисотлари»ни кашф этишга уринишдан иборат яхши тамойилларни қўллаб-қувватлаш билан баробар, ижтимоий таҳлил устун турувчи анъанавий реализмни ҳам қадрлаймиз. Абдулла Қодирий, Чўлпон бошлаб берган, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом ижодида кўп янги хусусиятлар билан бойиган анъанавий реализмнинг ҳали бизда очилмаган имкониятлари чексиз. Миллий адабиётда адабий мактаблар, ижодий оқимлар қанча кўп бўлса, бундай адабиётнинг истиқболи шунчалик порлоқ.

1994 йил ойномада қуйидаги асарлар босилиши мўлжалланган:

«Ҳусайн БОЙҚАРО». Фожеий шахс қисмати. Чизги.
Неъмат АМИНОВ. «Чархи фалак». Тарихий манзаралар.
Хуршид ДАВРОН. «Шайх Нажмиддин Кубро». Чизги.
Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФХОН. «Қадрият нима?»
Садриддин САЛИМ. «Ғарбнинг Шарққа ҳижрати».

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Шарқ юлдузи» ойномасининг 1993 йил сонларининг умумий мундарижаси

НАСР

Эркин Аъзам. Пакананинг ошиқ кўнгли. Қисса. 10-12 — 116
Неъмат Арслон. Адам водийси. Қисса. 7-8—3
Ёқутхон Акрам. Қалдирғоч. Ҳикоя. 3-4 — 81
Асад Дилмурод. Ғазоват. Роман. 10-12 — 71,
Виктор Илюхин. Қатағон. 9 — 41, 10-12 — 173,
Моғоралар султони. (Чўлпон таржимаси) 1 — 80, 2 — 108
Асқад Мухтор. «Инсонга қуллуқ қиладурман». Ҳикоя. 5-6 — 97
Мирмуҳсин. Мовароуннаҳр. Романдан боблар. 7-8 — 103
Абдурашид Нурмурод. Болаликка отилган ўқ. Ҳужжатли қисса. 2—8.
Айдер Осман. Яхши кунлар умиди. Қисса. 2 — 41
Зарбувиш Султонова. Нафрат. Хотира қисса. 1 — 36
Саъдулла Сиёев. Яссавийнинг сўнгги сафари. Роман. 3-4 — 13, 5-6 — 45
Сабриддин Садриддин Маҳмуд ўғли. Олмос қўнғироқлар. Ҳикоя. 3-4 — 67
Темирбек. Мутаннинг туморв. Қисса. 3-4—94
Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. 1—8 2—142, 5-6 — 163
Алиназар Эгамназаров. Сиз билган Дукчи Эшон. Ҳужжатли қисса. 10-12 — 3
Дилфуза Қўзиева. Саждагоҳ. Ҳикоя. 7-8 — 62
Тўлапберген Қаипбергенов. Қорақалпоғистонликлар иккинчи ватанига кўчмоқчи. 9 — 70, 10-12 — 145
Жумақул Қурбонов. Олдинда нур йўқ. Ҳикоя. 10-12 — 170
Шукур Ҳайитохунов. Аёз. Ҳикоя. 9 — 112

НАЗМ

Чори Аваз. Айролиқ ер билан осмонлар қадар. 3-4 — 63
Салим Ашур. Атиргул. Достон. 10-12 — 65
Ҳабиб Абдиев. Кўзлари чиройли, гули чиройим. 10-12 — 145
Мақсуд Бекжон. Ўчирасан ўз руҳинг турқин. 10-12 — 113
Холдор Вулқон. Вақтнинг қатлига қойим қўш ханжар. 3-4 — 124
Тилак Жўра. Мен тебрандим, тоғларим тебран. 1 — 72
Маъруф Жалил. Соҳибқирон. Амир Темур қиссаси. 5-6 — 14, 7-8 — 70
Жамол Камол. Бирлашармиз шу азиз Туронда биз ҳам эл бўлиб. 2 — 34
Конфуций. Ҳикматлар. 5-6 — 139
Ғулом Мирзо. Сени кутяпман. 7-8 — 133
Ер Муҳаммад. Бўғзимда портлайди оҳим. 7-8 — 147
Нормурод Норқул. Ёнмай туриб ёндирдинг. 2 — 76
Тўлан Низом. Гиря. Достон. 9 — 94
Нурилла Остонов. Нигоҳимнинг тўлқинларида. 9 — 65
Сулаймон Раҳмон. Сен ёлғиз қолдирма мени, умидим. 1 — 31
Сирожиддин Рауф. Кўксимда ястанган заҳролуд ҳажр. 2 — 137
Муҳаммад Ражаб. Бахтиёр эртаклар тўқийман. 3-4 — 122
Паҳлавон Содиқ. Салсабил қатрасин лабимга томиз. 9 — 68
Анвар Тунжалп. Қуръони каримдан оятлар. 3-4 — 189
Учқун. Нақш ўлур бағримга ҳажрингдан тўла доғи фироқ. 9 — 116
Зокир Худойшукур. Севги туфроғини суйгали келдим. 5-6 — 112
Абдулла Хушнуд. Шеърлар. 5-6 — 175
Ҳусниддин Шарипов. Минг иккинчи кеча. Достон. 2 — 92
Абдулла Шер. Тоқатимнинг бу сокин шами. 9 — 38
Йўлдош Эшбек. Бу мангулик лаҳзамиди?! 2 — 105
Бобомурод Эралиев. Оққушга айланиб хаёлларингда. 2 — 140
Чўлпон Эргаш. Жиннихонадаги тушлар. 3-4 — 84
Замира Эгамбердиева. Менинг қалбимдадир ишқнинг ватани. 3-4 — 120
Марзия Эрдонова. Қуш жонига туташдир жоним. 9 — 67
Муқимжон Қодиров. Шеърлар. 5-6 — 123
Қутлибека. Қаттиқ ушлар юракдаги куч. 7-8 — 60
Матлуба Ҳамроз. Тилимнинг учида йиғлайди олов. 10-12 — 141
Ёшлар гулдастаси. Қорачиқда музлаган туғён. Тўлқин Раҳим, Туроб Ниёз, Норқул Мамиров, Иброҳим Пайдо, Мухлис Жўрабоев, Юсуф Худойқул, Йўлдош Эшмурод, Марат Ғалимов шеърлари. 1 — 154
Талабалар дафтари. Мен бугун юракка сиғинай.
Раҳимжон Раҳмат. Фируза, Азамат Сафар, Улжамол Ханнаева, Эгамназар Остонов, Фарҳод Арзиев шеърлари. 2 — 155
Бир шеър саҳифаси. Холбиби Эргашева, Мирза Қайнаров, Ҳабиба Қурбонбоева, Хидир Муродов, Сайёра Мавлонова, Зиё Нажмий, Меҳриниссо Қудрат қизи, Одил Эгам шеърлари. 3-4 — 144
Талабалар дафтаридан. Юрагимда бир гул ўсади. 10-12 — 165
Дийдор осмонига юлдузлар чиқди. Зубайда Усмонова, Зуҳра Алиева, Ҳамро Бону, Ойгул Убайдулла қизи, Муҳтарама Туркой, Ирода Саидова шеърлари. 5-6 — 87

МУШОИРА

Кўксимни титратиб сўз келди. Ғулом Эгамшукур, Фарид Усмон, Ориф Ҳожи, Абдулла Вахшиворий, Мадамин Қўчқор, Абдумўмин Саъдуллаев, Алишер Поён, Раҳим Каримов, Нурали Мисиров шеърлари 7-8 — 157

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

София Мингшиева. Менга саодатдан қанот бер. 3-4 — 153
Моҳигул. Юрагим юртида йиғлайди бир сўз. 3-4 — 154
Маҳмуд Ражаб. Юрагингда мисоли бир гул. 9 — 127

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Толиб Йўлдош. Йўловчи билан чумоли. 9—139

Азиз Абдураззоқ. Либос ва мазмун. 9—141
Сафар Барноев. Ўзимизнинг акамиз. 9 — 144

МУҲОЖИРИЯТ АДАБИЁТИ

Эргаш Учқун. Шеърлар. 1 — 152

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Ўткир Ҳошимов. Фаришталар «Омин» дейди. 1—3

МЕРОС

Бўрибой Аҳмедов. Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» асари. 1 — 29
Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Эътиқодиййа. 1 — 137
Заҳириддин Бобур. Ғазаллар. 2 — 21
Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. 1 — 167, 3-4 — 156
Кўнгил мулкининг султони. 2 — 3
Алишер Навоий. «Ғаройиб — ус — сиғар» деворидан 2 — 6
Алишер Навоий. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. 5-6 — 173
Мирза Абдулазим Сомий. Манғит султонлари тарихи ёки Бухоро хонлигининг инқирози. 3-4 — 129, 5-6 — 178
Баҳодир Турғунов, Алиназар Эгамназаров, Мирза Меҳрзод нақшлари. 3-4—3
Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. 1 — 180, 2 — 163

СУҲБАТ

Шарқ фалсафаси манзаралари. 2—185
Эркин Воҳидов, Тоир Юнус. Инсоннинг тириклиги. 1 — 160
Иззат Султон, Тоир Юнус. Биз кўчув даврида-миз. 3-4—148
Саид Аҳмад, Тоир Юнус, Давр шиддатли, бешафқат. 5-6 — 114
Ўткир Ҳошимов, Тоир Юнус. Асарингни ўқиган китобхон ухламай чиқса. 7-8 — 149
Шукур Холмирзаев, Тоир Юнус. Инсонни кашф этиш бахти. 9 — 120.

МАҚОЛАНАВИСЛИК

Иброҳим Раҳим. Ишбилармон қисмати. 7-8 — 136
Темур Убайдулло. Олтин зангламас. 1 — 146

МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА

Ким ҳақиқий савдогар! Давра суҳбати. 5-6—3
Асқар Маҳкам. «Кодекс команикус» ёки итнинг кейинги оёқлари. 9—145
Аминжон Маматов. Саводхонлик муаммоси. 9 — 148

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Сано Саидов. Ғарб — шарққа боради. 5-6 — 189
Заки Валиди Тўғон. Хотиралар. 5-6 — 125, 7-8 — 164, 9 — 151

ҚУТЛОВ

Ўзингдан топ, мўъжиза шулдир. (Шоир Омон Матжон билан суҳбат). 3-4 — 125
Умрзоқ Улжабоев. Бизга бегона уруш. 5-6 — 184

ҒАФУР ҒУЛОМ 90 ЙИЛЛИГИГА

Собит Муқонов. Заки Нурийга хат. 5-6 — 162
Эркин Носиров. Олам каби қадим. 5-6 — 163
Урфон Отажон. Ўкинч ва Ўтинч. 5-6 — 147
Қора Сейтлиев. Одам ва тириклик. 5-6 — 161
Тўлқин Ғози Юнус ўғли. Меҳр ва кўз ёшлари. 5-6 — 156
Комил Яшин. Бизнинг Ғафур. 5-6 — 145
Михаил Янгевцкий. Отамнинг ўчмас хотиралари. 5-6 — 158
Азиз Қаюмов. Зўр карвон йўлида. 5-6 — 150
Чори Ҳамро. Устод ҳақида хотиралар. 5-6 — 160

АДАБИЙ ТАНҚИД

Умарали Норматов. Истиқлол қайғуси. 2 —175
Умарали Норматов. Умидбахш тамойиллар. 10-12 — 185
Озод Шарафиддинов. «Адабиёт яшаса — миллат яшар». 9 — 129

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Муҳаммаджон Соипов. Девор ортидаги киши. *Ҳужжатли саргузашт қисса.* 7-8 — 179, 9 — 172

АКС САДО

Муҳиба Ҳамидова. Қалбнинг маънавий мезонлари. 1—189

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

НАСР

Алиназар Эгамназаров. Сиз билган Дукчи Эшон. Ҳужжатли қисса 3
Асад Дилмурод. Ғазоват. Роман 71
Эркин Аъзам. Пакананинг ошиқ кўнгли. Қисса 116
Тўлапберген Қаипбергенов. Қорақалпоғистонликлар иккинчи ватанига кўчмоқчи 145
Жумақул Қурбонов. Олдинда нур йўқ. Ҳикоя 170
Виктор Илюхин. Қатағон 173

НАЗМ

Салим Ашур. Атиргул. Достон 65
Мақсуд Бекжон. Ўчирасан ўз руҳинг турқин 113
Матлуба Ҳамроз. Тилимнинг учида йиғлайди олов 141
Ҳабиб Абдиев. Кўзлари чиройли, гули чиройим 143
Талабалар дафтаридан. Юрагимда бир гул ўсади 165

АДАБИЙ ТАНҚИД

Умарали Норматов. Умидбахш тамойиллар 185

На узбекском языке.
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
№ 10-12
Журнал писателей Узбекистана
Издательско-полиграфический концерн «ШАРҚ» при управлении делами аппарата президента Республики Узбекистан.
Ташкент — 1993

Техник муҳаррир **Ю. Абдуллаев** Мусаҳҳиҳ **М. Насриддинова**

Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин.
Таҳририятга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П. Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 02.08.93 й. Босишга рухсат этилди 04.09.93 й. Қоғоз формати 70×108 1/16. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 12. Шартли босма тобоғи 16,8. Шартли-рангли босма тобоғи 17,5. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 18,2. Адади 24852 нусха. Буюртма № 2123. Баҳоси келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

НАСР

Алиназар Эгамназаров. Сиз билган Дукчи Эшон. Ҳужжатли қисса 3
Асад Дилмурод. Ғазоват. Роман 71
Эркин Аъзам. Пакананинг ошиқ кўнгли. Қисса 116
Тўлапберген Қаипбергенов. Қорақалпоғистонликлар иккинчи ватанига кўчмоқчи 145
Жумақул Қурбонов. Олдинда нур йўқ. Ҳикоя 170
Виктор Илюхин. Қатағон 173

НАЗМ

Салим Ашур. Атиргул. Достон 65
Мақсуд Бекжон. Ўчирасан ўз руҳинг турқин 113
Матлуба Ҳамроз. Тилимнинг учида йиғлайди олов 141
Ҳабиб Абдиев. Кўзлари чиройли, гули чиройим 143
Талабалар дафтаридан. Юрагимда бир гул ўсади 165

АДАБИЙ ТАНҚИД

Умарали Норматов. Умидбахш тамойиллар 185

На узбекском языке.
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
№ 10-12
Журнал писателей Узбекистана
Издательско-полиграфический концерн «ШАРҚ» при управлении делами аппарата президента Республики Узбекистан.
Ташкент — 1993

Техник муҳаррир **Ю. Абдуллаев** Мусаҳҳиҳ **М. Насриддинова**

Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин.
Таҳририятга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П. Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 02.08.93 й. Босишга рухсат этилди 04.09.93 й. Қоғоз формати 70×108 1/16. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 12. Шартли босма тобоғи 16,8. Шартли-рангли босма тобоғи 17,5. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 18,2. Адади 24852 нусха. Буюртма № 2123. Баҳоси келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

www.ziyouz.com kutubxonasi